

О. ИБРАГИМОВ  
 Д. ИБРАГИМОВ  
 И. ИБРАГИМОВ  
 INV. 12

Она юртинг-олтин бешигинг

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 8 (66237)  
 2000 йил 24 февраль.

Сотувда эркин нархда

## «ФАҚАТ РИНГДА ОЛИШАМАН»

Бокс қироли Артур Григорянга ҳавас қилмаган бола бормикан? Лекин ҳавас бошқа, олдига боксчи бўламан, деган мақсад кўйиб, мунтазам шуғулланиш бошқа.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳридаги 2-қишлоқ хўжалик мактаб ўқувчиси Қобилжон Дусенов олдига қатъий мақсад қўйганлардан.

- Қобилжон, яқинда Хўжайли шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда биринчи ўринни олиб, «Спорт устаси» га номзод бўлдингиз. Ғалабага осонликча эришмаган бўлсангиз керак-а?

- Албатта. Мусобақада Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистондан ҳам моҳир боксчилар келишди. Мен бу турнирга учинчи марта қатнашишим эди. 1997 йил биринчи, ўтган йили эса иккинчи ўринни олган эдим. Тажрибаларим кўл келди.

- Футболчининг ўғли футболчи, боксчининг ўғли боксчи бўлади ... ми?

- Билмадим. Аммо бокс бўйича спорт мастерлигига номзод — отам Рустам Дусеновнинг таъсири катта бўлди. Отам машқ пайтида менга ўзининг тўғарагида шуғулланганидан 30 боланинг бири сифатида қарайди. Ҳатто ортиқроқ талаблар кўяди. Менга берган зарбалари ҳам қаттиқроқ эканини ҳис қилиб тураман. Менинг ўзим ҳам шунини истайман.

- Бокс ўқишингизга ҳалал бермайдими?


- Аксинча. Эрталаб машқ қилмаган куним дарсада ҳам бекайфият ўтираман.

- Баъзан синф, мактаб биринчилиги учун ўғил болалар ўртасида пинҳона кураш кетади. Агар ўринлар борасида баҳс туғилиб қолса, даъвогарлар дарсадан кейинми, танаффус пайтидами ўқитувчиларнинг кўзидан узоқроқ жойда «куч синашиб» кўрадилар. Сизнинг ҳам ҳаётда кучингизни кўрсатишга тўғри келадими?

- Бемақсад олишувни ёмон кўраман. Фақат рингда биринчилик учун олишса арзийди. Бир куни кўчада онасининг ўрнида сақич, писта сотиб ўтирган қизалоқнинг столдан битта-биттадан сақич олиб, пулини тўламай, ҳингир-ҳингир кулиб кетаётган ўзим тенги учта болани кўрдим. Қизча дамни чиқармай, юм-юм йиғлаб қолаверди. Болаларга етиб олиб, биттасигагина кучимни кўрсатдим. Қолганлари ҳам мулойимгина бўлиб, изига қайтиб, сақичнинг пулини тўлашди.

- Сизнинг бу суҳбатингиз тенгдошларимизга сабоқ бўлади, деб ўйлайман. Келажакда юртимиз байроғини дунё бўйлаб ҳилпиратиб, қадрдон мадҳиямизни янградиб, голиблик шоҳсупасидан тушмаслигингизни тилаб қоламан.

Одилбек АБДУЛЛАЕВ,  
 Тўрткўл шаҳридаги 8-мактабнинг 6-«Д» синф ўқувчиси.



## ШУ ВАТАНГА БОРДИР МЕНИНГ КЕРАГИМ

Ҳар ҳафта мактабимизда бирон бир тадбир ўтказиш анъанага айланиб қолган. Яқинда «Шу Ватанга бордир менинг керагим» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳалла оқсоқоллари ҳам иштирок этишди ва тинч, фаровон ҳаётимизни ҳамиша асраб-авайлашимиз кераклигини ўқитишди. Тадбирда айтилган тинчлик ҳақидаги шеър ва кўшиқлар ёш дилларга завқ берди. Болалар ўзларининг аъло ўқишлари, намунали хулқлари билан шу Ватанга муносиб фарзанд бўлишга сўз бердилар.

Шухрат ТОЖИБОЕВ,  
 Ўзбекистон туманидаги  
 Ал-Хоразмий номли 10-мактаб директорининг ўринбосари.



## ҚИЗ БОЛА ЭПЛИМИ, СЕПЛИ?..

Мен Сирғали туманидаги мактабларнинг бирида ўқийман. Битирувчи синф бўлганимиз учун устозларимиз бизга форма кийинлар, деб кўп мажбурлашмайди. Яқинда дугонам Зилола:

- Ойижоним менга зўр костюм-юбка олиб бердилар, - деди. Ўртоғим мақтаган костюм-юбкани баҳосини айтмасам ҳам бўлади.

- Нега киймадинг, - деб сўрасам, у:

- Қаердан ҳам кийгазардилар, сепимганда, сандиққа солиб қўйдилар, - деди. Зилоланинг ойиси «Чорсу» бозорида савдо-сотик билан шуғулланадилар. Бир куни уларникига борганимда, улар менга кийим тўла сандиқни кўрсатиб:

- Шуларни ҳаммасини ўртоғингга қилман, келгусида уялиб қолмай, дейман-да, дедилар. Мен бу гапни эшитиб, хомуш бўлдим. Ахир бизнинг уйимизда сеп ҳақида умуман гапиришмайди.

Мен мактабдан бўш вақтларимни бекор ўтказмай деб пазандачилик курсига ўқишга кирдим. Энди турли пишириқлар ва ширинликларни ўзим бемалол тайёрлай оламан. Зилолага:

- Юр, бизнинг курсимизга ўқишга, - десам:

- Йўқ, ундан кўра ҳозир ёшман. Мазза қилиб ўйнаб кулишим керак, эртага турмушга бериб юборишади, - дейди. Мен дугонамга тушунолмай қолдим. Орамизда Зилолага ўхшаган қизлар жуда кўп. Балки бунга бой, камбағал деб, янги келиннинг сепини, ота-онасининг амалини ажратаётган ота-оналар сабабчидир. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Мадина НАЗАРОВА,  
 Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 11-синф ўқувчиси.



## МАНСАБГА ВА ЧИРОЙЛИ КИЙИНГАНЛАРГА АЪЛО БАҲО

Мактабимиз 1979 йилда қурилган. Синфхоналари иссиқ ва ёруғ. Замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Хуллас, бошқа мактаблардан қолишмайди. Лекин... Мактабимиздаги айрим ўқитувчилар ўқувчиларни табақаларга бўлиб баҳо қўйишади. Чиройли, қимматбаҳо кийинган, ота-оналари «яхши» жойда ишлайдиганларга яхши баҳолар, аксинча бўлса, ёмон ёки ўрта баҳолар қўйилади. Натижада кўп болалар ўзларини камситилган ҳис қилиб, мактабга келмасликка уринадилар. Ёки ота-оналарига «Кийим олиб бермасангиз, мактабга бормаيمان», деб оёқ тираб туриб оладилар. Биз бу йил 11-синфни битириш арафасида турибмиз. Ҳадемай ёзги имтиҳонлар бошланади. Ўқитувчиларимизнинг бу «одат» ларини билганимиз учун қай аҳволда имтиҳон топширишимизни яхшигина кўз олдимизга келтира оламиз. Биздан кейин бу мактабга қадам қўядиган болаларнинг ҳоли нима кечишини ҳам ўйлаймиз. Ахир Ўзбекистонимизнинг келажаги чиройли кийинадиган, ота-онасининг мансаблари орқали баҳоланадиган йигит-қизларнинг қўлида эмас-ку. Бу ҳолат фақат бизнинг мактабимизда эмаслигини тенгдошларимиздан билиб олдик ва мактабимизни аниқ номини ёзмадик. Балки бошқа тенгдошларимиз ўз мактаблари, «қадрдон ўқитувчилари» ҳақида ҳикоя қилиб, фикримизга аниқлик киритишар?

Севара, Зарина, Зарифа,  
 Самарқанд вилоятидаги  
 11-синф ўқувчилари





## ОПАМИЗГА ГАПИМИЗ БОР...

Мақтабимиздаги барча ўқувчилар синф раҳбаримиз, она тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулжамила опани зўр ўқитувчи дейишади. Уларнинг гапида жон бор. Чунки опа ўз дарс соатларини жуда қизиқарли ўтадилар. Биз билан худди она-боладек муомалада бўладилар. Ўз ўрнида биз ҳам устозимиз билан бемалол суҳбатлашамиз. Кўнглимиздаги барча гапларни айта оламиз. Мабодо ножўя иш қилгудек бўлсак яхши гапириб тушунтирадилар. Уларнинг илиқ сўзлари, чексиз меҳрлари боис яхши инсон бўлиб улғайяпмиз. Опамизга эса битта гап айтаемиз: Сизни ҳеч қачон уялтириб қўймаймиз, устоз!

**Феруза МАМАДАЛИЕВА,**

*Тошкент вилояти,*

*Юқори Чирчиқ туманидаги*

*20- мактабнинг 7-“В” синф ўқувчиси.*

## КИТОБХОН СИНФ

Мақтабимизда юқори синф ўқувчилари иштирокида китобхон синф кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тайёргарлик жараёнида синфимиздаги 32 ўқувчига синф раҳбаримиз Муҳайёхон опа Эркабоева орамизда аҳиллик бўлса, албатта ғолиб чиқамиз, дедилар.

Устознинг айтганлари бўлди. Тарихий асарларимизга мурожаат қилдик. Янги чиқётган адабиётларни ўқидик. Ниҳоят, биз кутган дақиқалар етиб келди. Унга кўра биринчи ўрин 8-«А» га - яъни бизнинг синфга, иккинчи ўрин 8- «Б» га ва ниҳоят, учинчи ўрин 10- «Б» синфига берилди. Энди эса бизни барча устозлардан тортиб ўқувчиларгача «Китобхон синф» дейишяпти. Биз эса бундан руҳланиб, китобга меҳримиз янада ортиб бормоқда.

**Гулсала УРИНБОЕВА,**

*Фарғона вилояти, Ўзбекистон*

*туманидаги Усмон Носир номи*

*мактабнинг 8-“А” синф ўқувчиси.*

## 1-“G”-GO‘ZAL SINIF

Men 1-«G» sinfda o‘qiyman. Yil boshidan beri ayamga bu sinfda o‘qimayman, deb shikoyat qilib kelardim. Chunki sinfimizga tengdosh bolalar «G» sinf «gado sinf» , -deb laqab qo‘yishgan. Bolalar «A» sinf - a‘lochi, «B» sinf - baxtli, «V» sinf - Vatan deb ham aytishadi.

Bir kuni maktabdan kelsam, ayam menga «Qizim, sen eng go‘zal sinfda o‘qir ekansan-ku. Sen o‘qiydigan sinfga bordim, maktabda eng chiroyli sinf ekan. Shuning uchun «G» sinf - go‘zal sinf dedim», - dedilar. Rosti, bunday iborani nega yil boshidan topmagan ekanmiz-a? Endi sinfim bilan juda ham fahrlanaman.

**Ma h m u d a Y I G I T A L I Y E V A**

*Farg‘ona*

*viloyati, Uchko‘prik tumani*

*9- maktabning 1-«G» sinf o‘quvchisi.*

## INGLIZCHA GAPLASHAMIZ

Men 7-sinfda o‘qiyman. Ikki yildan beri inglizcha gaplashmoqdamiz. Shuning ushuncha bugungi kunda ingliz tilida bemaolol gaplashadigan bo‘ldik. Hatto qo‘shiq ham o‘rgatadigan ustozimiz Zamira opa Mirzarahimova juda talabchanlar. Darsdan so‘ng olib qolib bo‘lsa ham ingliz tilini o‘rgatishdan charchamaydilar. Turli kitoblar olib kelib o‘qib beradilar. Va bizga ham o‘qishimizga imkoniyat yaratib beradilar.

**Muqaddas BUVAQULOVA,**

*Andijon viloyati, Izboskan*

*tumanidagi H.Olimjon nomli*

*37-maktab o‘quvchisi.*

## FANLAR “PODSHO” SI

Maktabimizda matematika, tarix, o‘zbek tili va adabiyoti fanlari chuqur o‘rgatiladi. Bizning 6- «A» sinfimiz esa matematikaga ixtisoslashgan. Yaqinda «Matematika - fanlar ichra shox» mavzusida kecha o‘tkazdik. O‘qituvchimiz X. Xudoyberdiyev boshchiligidagi qiziqarli matematik o‘yinlar, boshqotirmalar, fokuslar namoyish etdik. Aziz bobolarimiz Al-Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino kabilarning matematikaga qo‘shgan hissalarini sahna ko‘rinishlari orqali namoyish etdik.

**Baxtiyor QULLIYEV,**

*Buxoro viloyati, G‘ijduvon tumani*

*32-o‘rta maktab o‘quvchisi.*

## БУВИМНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Менинг Наргизахон деган аммам бор эди. Бувим ва буважоним уларни яхши ниятлар билан Навоий шаҳрига турмушга беришди. Аммо аммажоним фарзандлик бўламан, деб қувониб юрган кунларда тўсатдан касалхонага тушиб қолдилар. Кейин операция қилинганликларини эшитдик. Ва... ҳаммамизни доғда қолдириб, оламдан ўтдилар. Бундай айрилиққа чидай олмаган бувижоним эрта-ю кеч кўз ёш тўкадилар. Буважонимни-ку гапирмасам ҳам бўлади. Бизга таъзия билдирганлар жуда кўп бўлди. Аммо энди аммажонимни бошқа кўра олмаймиз. Уларнинг кулиб турган сиймолари ҳар куни кўз ўнгимда гавдаланаверади. Бу мактабимни битишимдан мақсад, ҳар кимни -у ёшми, кексами қадрига етайлик. Дилларини оғритиб қўймайлик. Кимни ноҳақ ранжитиб қўйган бўлсак, узр сўраб кўнглини олайлик. Кейинги афсус ва пушаймонлар асло ўтган дамларни орқага қайтариб бермайди

**Рухсора ШОДМОНОВА,**

*Бухоро вилояти, Г‘иждувон туманидаги*

*49- мактабнинг 8- синф ўқувчиси.*

## ФАХРИМИЗ

Мақтабимиз математика, инглиз тили ва информатика фанларига ихтисослашган. Шу сабабли математика бўйича қўшни мактабнинг “Мана - ман” деган ўқувчиси билан бизнинг мактабимиздаги «тўрт» баҳога ўқийдиган ўқувчи бемалол беллаша олади. Фан олимпиадаларидан ҳам ижобий натижаларга эришяпмиз. Кўрик-танловларда ҳам сира бўш келмаймиз. Бу ютуқларда меҳрибон устозларимизнинг ҳиссалари катта.

Шаҳноза Олимова, Дилноза Қиличева, Гулбаҳор Раҳимова, Азиза Бобомуродова каби мактабдошларимиз эса бизнинг фахримиздир.

**Хилола РУСТАМОВА,**

*Навоий вилояти, Нурота*

*туманидаги Х. Худойқулов номи*


*1- гимназия ўқувчиси.*



## БИЗНИНГ ҲАЛИМА ОПА

Ассалому алайкум газетам "Тонг юлдузи"! Сенинг ҳар бир сонингни қолдирмай ўқиб бораман. Унда устозлар ҳақидаги мақолалар менга жуда ёқади. Мен ҳам оламдаги мўътабар кишилар - устозлар ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. Бизнинг мактабда ўқитувчилар кўп. Улардан бири Ҳалима опа Саманова. Ҳалима опа бизга она тили ва адабиётдан сабоқ берадилар. Бундан ташқари ҳар пайшанба куни «Ёш ижодкорлар» тўғарагида шеър ёзиш сир-синоатларини ўргатадилар. Биз Ҳалима опага жуда ўрганиб қолганмиз. Улар дарсни шундай қизиқарли ўтадиларки, бизни дарсдан чиққимиз келмайди. Шундай пайтда Ҳалима опага: «Устоз, сиз дунёдаги энг мўътабар, энг азиз ва энг улуғ кишисиз. Сиздек инсонлар бор экан кўксимиз пок туйгуларга тўлиб- тошиб яшайди. Сизнинг қаршингизда тиз чўкиб таъзим қиламан», - дегим келади. Яқин кунларда Ҳалима опа Саманова Бухоро шаҳрида бўладиган тил анжуманига жўнаб кетмоқдалар. Биз ўз устозимизга масъулиятли касбларида абадий қолиб, бизнинг севимли ўқитувчимиз бўлиб юришларига тилакдошимиз. Доимо соғ-саломат бўлинг, устоз!

**Нигора БОЙЧИБОВА,**  
Сирдарё вилояти,  
Ховос туманига қарашли  
6- мактабнинг 7-«А» синф  
ўқувчиси.



Петрограддаги Эрмитаж номини билмайдиган инсон топилмаса керак. Уни кўриш учун дунёнинг турли бурчакларидан ихлосмандлар ташриф буюришади. Эрмитаждаги бебаҳо ҳазиналар: дунёнинг машҳур мусаввирларининг картиналари, ҳайкаллари, гулдону олтинкумушдан ишланган санъат асарларидан инсоният завқ олади.

Эрмитажни айланиб, унинг асарларини тамоша қилиб чиқишга бир кун, ҳатто бир ҳафта камлик қилади. Эрмитаж 24 километр бўлиб, унда 3 миллион дон санъат дурдоналари бор. Бундан ташқари унга кирган одамнинг гангиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу гўзаллик олдидеги ҳайрат инсон қалбини эзгуликка тўлдирди.

Эрмитажнинг қишки саройи эскизини 1732-1735 йилларда архитектор Ф.Б. Растрелли чизган. 1754-1762 эса сарой ҳозирги кўринишига эга бўлган. Қишки саройда 1764 йиллардаёқ Эрмитажга асос солинган. Ушанда машҳур мусаввирларнинг 225та картинаси сотиб олинган. Қишки саройнинг умумий майдони 46 минг квадрат метрни ташкил этиб, бир қанча иншоатларни ўз ичига олади. Саройнинг 2 минг ойнаси, 1800та эшиги, 120та зинаси, 2км га яқин масофада умумий карнизи бор. Лекин Эрмитажнинг расмий, тантанали очилиши бироз кечроқ, яъни 1825 йил бўлиб ўтган. У ерга кириш ҳам муаммо бўлган. Махсус таклифнома бор инсонларгина санъат дурдоналари гўзаллигидан баҳра олишган, холос.

1989 йил эса Эрмитаж дунёдаги энг катта картиналар галереясига эга бўлган маскан деб «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олди.

*Гулнора тайёрлади.*

## БИЛИМДОН УСТОЗ

Мен Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Очил Жўраев номли 23- мактабнинг 10-«Б» синфида ўқийман. Ўтган 1999 йил - биз шогирдлар учун қувончли йил бўлиб қолди, десам адашмайман. Чунки тил ва адабиёт ўқитувчимиз Исроил Тошев педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олдилар. Уларни бу унвон билан қишлоғимиз аҳли ва мактаб жамоаси қутлашди. Қутловдан биз ҳам четда қолмадик. Хурсандчилигимизни билдириб, ширин тилаклар қилдик. Мен келажакда устозимиз Исроил Тошевдек билимдон ва меҳрибон ўқитувчи бўлмоқчиман.

*Маҳлиё ҲАЙДАРОВА.*



# ЗАРРАБИН ОСТИДАГИ МУЪЖИВАЛАР

Фан ва техниканинг тараққиёти замонавий жарроҳликнинг бир қанча янги йўналишлари жумладан, микрожарроҳликка асос солди. 1921йилда немис олим С.Нилен кулоқнинг таҳсисидеда қўлланиладиган биринчи заррабин (микроскоп) ни ишлаб чиқди. 1922йилда эса шу миллатга мансуб бошқа бир тадқиқотчи-Г.Холмгрен икки кўзли заррабинни амалиётга тадбиқ қилди. Ҳозирги пайтда микрожарроҳлик табобатнинг барча жабҳаларида муваффақият билан қўлланилмоқда. Мазкур заррабинлар таҳсис майдонини 40-50 мартагача катталаштириб, жарроҳнинг аниқ ва оқилона ҳаракатлар қилишига имкониятлар яратиб беради.

Кўз воситасида инсон ташқи муҳитнинг 98 фоиз ахборотини олади. Шунинг учун илк микрожарроҳлик асбоблари кўз таҳсис-

лари учун кашф этилган эди. Микрожарроҳлик техникаси кўзда таҳсис(операция) ўтказиш имкониятини кенгайтиради, бир неча ўн йиллар аввал кўр бўлиб қолишга маҳкум бўлган беморлар энди яна ёруғ жаҳондан, ранглар гўзаллигидан баҳра олишдек бахтга қайтмоқдалар. Ҳозирги пайтда микрожарроҳлик усуллари билан кўзнинг ёмон сифатли ўсмалари, кўзнинг ичига кириб қолган ёт жисмлар, хиралашган кўз гавҳари муваффақиятли олиб ташланмоқда. Мазкур усуллар кўз босимидан азоб чекувчи минглаб беморларнинг жонига оро кирмоқда. Ташқи ва ички турли омиллар таъсирида кўзнинг шох пардасига доғ тушиб қолган беморлар илгари бир умр кўр бўлиб қолар эди, ҳозир академик С.Федоров асос солган услубда мурданинг шох пардаси муваффақият билан кўчириб ўтқазилмоқда.

Кўз таҳсисларида қўлланиладиган игнанинг узунлиги бор йўғи 4 мм атрофида, ип эса инсон сочидан ҳам ингичкароқ бўлади. Бундай иплар маҳсус биологик фаол моддалардан тайёрланган бўлиб, маълум муддат ўз вазифасини бажаргач, сурилиб кетади.

Дунёда биринчи микрожарроҳлик таҳсиси немис жарроҳи К.Николадонига тегишли бўлиб, у 1897 йил кесилиб кетган бош бармоқни кўчириб ўтқазган, таҳсис муваффақиятли чиққан бўлса-да, бармоқнинг вазифаси тикланмаган эди. Бунга сабаб, у қон томир ва асаб толаларини тикишнинг уддасидан чиқолмаган эди, бунинг натижасида бармоқ яшаб кетган бўлса-да, сезги ва ҳаракат хусусиятидан маҳрум бўлди.


Ҳозирда эса республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Андижон каби йирик шаҳар тиббий марказларининг мутахассислари ҳам ушбу масалага алоҳида ёндашишмоқда.

Ҳозирги пайтда микрожарроҳлик техникаси томир тикимларини олиб ташлашда, юракни қон билан таъминланишини яхшилашда, терини эркин кўчириб ўтқазишда, бачадон найларининг бекилиб қолиши билан боғлиқ бўлган бефарзандликни даволашда, ўт ва уруғ йўллариининг бутунлигини тиклашда муваффақият билан қўлланилмоқда.

Бир муддатга сукунат дунё-

сига фарқ бўлишни кўз олдингизга келтириб кўринг. Фақат бир муддатга, холос... Сукунатнинг даҳшатидан дод деб юборгингиз келади. Ҳолбуки ер шарида одамлар билан мулоқот қилиш завқини туёлмайдиган, ёмғирлар шивирлашиши-ю, қушлар сайрашидан баҳра ололмайдиган, илоҳий мусиқани тинглаб кўзига лим-лим ёш кела олмайдиган бир миллионга яқин қулоғи оғир одам яшайпти. Карликнинг асосий сабабларидан бири кулоқнинг ичидаги суякчаларнинг орасидаги вазни бор-йўғи бир неча мг. келадиган бўғимнинг ҳаракатсизланиб қолишидир. Бу жойда ҳам микрожарроҳлик асқотди: мазкур суякчалар маҳсус заррабинлар воситасида сунъий суякчалар билан алмаштирилиб эшитиш бутунлай тикланди.

Гулнора.





Respublika o'quvchilar Saroyi 1935 yilda O'zbekiston Markaziy Ijroiya Qo'mitasi qaroriga binoan qaldirg'och muassasa sifatida tashkil etilgan edi. Eh-he, o'shandan beri 65 yil vaqt o'tibdi-ya! Qanchadan-qancha o'g'il-qizlar Toshkentning eng go'zal va muvaffaqiyatli muassasasida san'at, kasb-hunar sirlarini o'rgandi. Sanab sanog'iga yeta olmaymiz! Ularni bir yerga to'plasak butun bir tuman aholisiga teng kelishi mumkin!

Saroy tashkil etilgan kunlardan uning qoshida 7 yillik musiqa, 2 yillik gimnastlar maktablari, drama, raqs, tasviriy san'at va texnikaga oid bir qator to'garaklar ochildi. Keyinchalik, bolalarning qiziqishi va istaklarini hisobga olib, saroydagi to'garaklar soni orta bordi. Bolalar ko'hna maskanga «sig'may» qolishdi. Buni e'tiborga olgan hukumat 1980 yilda poytaxtimizdagi markaziy ko'chalardan birida go'zal va ajoyib qasr qurib, uni bolalarga in'om etdi.

Yangi qasrda yangicha kuch-g'ayrat bilan, fidoyilik bilan ishni davom ettirgan. Saroy ma'muriyati xalqimizning ko'hna qadriyatlaridan hisoblanmish me'morchilik ansambli, maxsus bolalar observatoriyasi, 230 o'ringa mo'ljallangan tomoshagoh, xoreografiya va tasviriy san'at zallarida o'z ish ko'lamlarini kengaytirib yuborishdi. Zamonaviy talablarni e'tiborga olgan holda milliy an'analar asosida qurilgan muvaffaqiyatli Saroy bolalarning sevimli maskanidir.

Hozirgi kunda Saroy qoshida 5 ta bo'lim va 7 yillik musiqa maktabi faoliyat ko'rsatmoqda, -deydi biz bilan suhbatda Saroy rahbari Oliyaxon opa Ibrohimova. Shular ichida 220 dan ortiq yo'nalishdagi turli to'garaklar va dastalarda 5 mingta o'g'il va qiz o'z bilimini chuqurlashtirib, turli kasb malakalarini egallamoqda.

Saroy bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasining seismologiya, kibernetika, kimyo-biologiya, astronomiya kabi qator ilmgohlari bilan o'zaro ijodiy hamkorlik o'rnatgan. Ushbu ilmgohlarda yosh iste'dod egalari fan nomzodlari, doktorlari, atoqli olimlar, yetuk mutaxassislar faoliyatidagi nazariy bilimlarini chuqur o'rganib, izlanishlari samarasini amalda sinab ko'rmoqdalar.

Saroyda olib borilayotgan ishlar haqida ham

AYTGANINGIZ KELSINI...

to'xtalib o'tsangiz, -deb so'radik Oliyaxon opadan. -Qaysi yo'halishlarga ko'proq e'tibor berilmoqda?

-Saroyimizda barkamol avlodni tarbiyalash ishlariga alohida e'tibor beriladi. U yoki bu yo'nalishni ajratib ko'rsatish mumkin emas. Lekin, shunga qaramay, Saroyda bolalarning badiiy didini o'stirishga, ularning san'atga bo'lgan mehrlarini oshirishga ham jiddiy e'tibor berilmoqda. To'ychi Inog'omov nomli doirachilar dastasi, «Yulduz»-bolalar raqs dastasi, «Boychechak»-hor jamoasi, «Chaman»-namunali bolalar havaskorlik xalq dastasi, «G'uncha»-vokal cholg'u va o'zbek xalq



cholg'u asboblari dastalari bugungi kunda nafaqat respublikamizda, balki qardosh xalqlar mamlakatimiz shon-shuhratini namoyish qilmoqdalar.

-O'tayotgan asrni texnika asri deb yuritdik. Bu borada dunyo miqyosida talaygina kashfiyotlar, ixtirolar yuzaga keldi. Ayting-chi, Oliyaxon opa, bu yo'nalishda qanday ishlar qilindi? Harqalay, texnika asrining zalvorli yillari Saroy faoliyatiga o'z ta'sirini ko'rsatgan bo'lsa kerak?

-Bolalarning texnikaga bo'lgan qiziqishlarini oshirishda, ularning kelgusida malakali muhandis, ixtirochi, loyihachi bo'lib yetishishda fan va texnika bo'limi olib borayotgan ishlari maqsadga

muvofiqdir. To'garak a'zolari o'z shaxsiy ixtirolari, ishlab chiqargan mahsulotlari bilan respublika, xalqaro ko'rik-tanlovlarda, musobaqalarda muvaffaqiyatli ishtirok etmoqdalar. Juda ko'plab to'garak a'zolari Ulug'bek nomidagi iqtidorli yoshlar respublika jam'armasining sovrindorlaridir. Tayyorasozlik to'garagi a'zolari esa Xalqaro aerokosmik maktabining haqiqiy a'zolaridir.

-O'zbekiston ham nafaqat dunyoga, balki samodagi sayyoralariga ham qadam qo'yadigan kunlarga ishorami bu?

-Yaxshi niyat-yarim mol, deydilar. Hozir bu yo'nalishda ilk poydevor qo'yilmoqda. Ajabmaski, vaqti kelib saroyimizda tarbiyalangan yoshlarimiz orasidan aeronavtlar yetishib chiqsa!

-O'sha kunlarga yetish hammamizga nasib etsin. -Aytganingiz kelsin.

Bilasizmi, bugungi kunda el-yurt faxri bo'lgan, O'zbekiston xalq artistlari Farrux Zokirov, Qizlarxon Do'stmuhammedova, Dilafro'z Jabborova, Gulchehra Jamilova, musiqa olamining zukko bilimdoni Ofeliya Yusupova, atoqli kinorejisor Anatomiy Qobulov, professor Ahmadjon Odilov, texnika fanlari doktori Muborak Teshaboyevalarni yetishirishda ko'mak bergan Saroyimizdan albatta aeronavtlar ham yetishib chiqadi! Biz bu borada bor say'-harakatlarimizni ayamaymiz!

-Aytganingiz kelsin! Biz Oliyaxon opa bilan kulishdik. Axir bu jumla suhbatimizda ikki marta qaytarildi-da. Yaxshi tilakka nima yetsin, aziz bolajonlar, to'g'rimi?

Xullas, Saroy haqida to'lib-toshib, yayrab-yashnab so'z yuritish mumkin. U yerda faol faoliyat ko'rsatayotgan murabbiylar haqida to'xtalmadik. Biz-kelgusi suhbat mavzusi. Hali Respublika O'quvchilar saroyi haqida to'la qonli so'z yuritishga ulguramiz. Axir uning tavallud topgan kunigacha Saroyga eh-he, necha marta tashrif buyurishimiz mumkin! Axir, «Bir kun tuz ichgan joyga-qir qun salom», deganlar...

**SOBIR JABBOR.**

YOMG'IRDAN SO'NG  
BO'LANAN - IKTIDORLARDAN

**YOMG'IRDAN SO'NG**

Kuz ham kelib qolibdi,  
Yoz ham ortda qolibdi.  
Kechqurun yog'di yomg'ir,  
Shamol-chi, esdi g'ir-g'sir.

Quyosh chiqdi mo'ralab,  
Yomg'ir tindi ertalab.  
Osmon moviy tus oldi,  
Quyosh ham nufuz oldi.

Sovuq edi baribir,  
Men titrar edim dir-dir,  
O'zgachadir tabiat,  
Bu sehrli bir ziynat.

Maktab tomon oldim yo'l,  
O'f-o'lanlar endi ho'l.  
Suv sepilgandek xuddi,  
Maktab yeri nam edi.

Darsga kirdik barchamiz,  
Yaltiraydi ko'chamiz.



Respublika O'quvchilar Saroyi  
«Yosh qalamkash»  
to'garagi a'zolari ijodidan

**YURTIM**

Yurtim ozod va obod,  
Chunki xalqim doim shod.  
Erki endi qo'lida,  
Porloq hayot yo'lida.

Yurtim go'zalligiga,  
Katta hissa qo'shayin,  
Hamisha Vatanimdan,  
Faxrlanib yashayin.

**VATAN**

Vatanni asrashga,  
Yetar kuchimiz.  
Uni avaylamoq,  
Bizning burchimiz.

**Mashhura QAHHOROVA,**  
Toshkentdagi 2-maktabning 8- «A» sinf o'quvchisi.

**MEN YURTIM UMIDIMAN**

Men yurtim umidiman,  
O'zbekim farzandiman,  
Uning yorug' kelajagi,  
Xalqimning dilbandiman,

Men ulg'ayib-o'saman,  
Hayotdan olib saboq,  
Yurtga xizmat qilaman,  
Orzularim beadoq.

**O'ZBEKISTON**

Shoir she'rida bitgan go'zal chaman bu,  
Ulug' bobolar o'tgan, buyuk vatan bu.  
Unga doim yordir do'stlik va tinchlik,  
Baxtli kelajakka doim xotam u.

**Saida JABBOROVA,**  
Toshkentdagi 2-o'rtta maktabning 8- «A»  
sinf o'quvchisi.





## УСТОЗЛАР МАҚСАДИ



Мақтабимизда китобхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда 8-«А» ҳамда 8-«В»синф ўқувчилари беллашди. Бобокалонимиз Мир Алишер Навоийнинг ғазаларига, ҳикматли сўзларини ўқишганда беҳад маҳ-

лиё бўлиб қолдик.

Мусобақадан мақсад, мумтоз адабиёtimиз намоёндаларига меҳримизни уйғотиш, улар ҳақидаги адабиётлардан хабардор бўлиш эди. Бизга шундай шароит яратган устозларга минг раҳмат.

*Абдуғаффор Абдураҳмонов,  
Фаргона шаҳри,  
Ал-Хоразмий номли  
33- мактаб ўқувчиси.*

ЎЗБЕКИСТОН ХХІ АСРГА  
ИНТИЛМОҚДА

Юртбошимизнинг ҳар бир сўзлари фаровон ҳаётимиз учун қилаётган саъй-ҳаракатлари ҳамиша диққатимиздадир. «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда» номли китобни биз зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва давра суҳбати ўтказдик.

Ёш техниклар ижодиёт маркази биносига бўлган давра суҳбатига айниқса 13- мактаб ўқувчиси Азизбек Суннатов, 17- мактабдан Элёр Шоназаров, Суннатилла Муҳаммадиев, 9- мактабдан Дилфуза Абдуллаева, 14- мактаб ўқувчилари Бобур Мамараҳимов, Ислон Мусаевлар фаол қатнашдилар.

Туманимиздаги «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Муаттар Қосимова эса ўқувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўз қарашлари билан тўлдирди. Болалар илм олиш йўлидаги ғайратларини бўшаштирмай ҳар борада намунали ўқувчи бўлишларини яна бир бор таъкидлади. Чунки юртимиз, юртбошимиз фақат шундай келажак ворисларини кутмоқда, деди.

*Каримжон СОАТОВ,  
«Каттақўрғон тонги»  
газетаси ходими.*

## АЪЛОЧИЛАР ҲАММАГА КЕРАК

Қишлоғимиз одамлари жуда иноқ. Келажакда болаларимиздан катта одамлар кўп чиқса соз бўларди, деб ниёт қилишадди. Бунинг учун болаларни рағбатлантиришни ҳам билишадди. Масалан: қишлоғимиздаги «Ҳазрати Довуд» устахонасида ишлайдиган Бекпўлат ака Носиров беш йилдан бери мақтабимиздаги энг аълочи ва намунали ўқувчиларга «Довуд» стипендиясини беришни ташкил қилганлар. Бу анъанага айланиб қолган стипендия сабаб, биз ўқувчилар янада яхши ўқишга интилмоқдамиз. Қишлоқдошларимизни бизнинг билимдонлигимиз бефарқ қолдирмаслигини чин дилдан англаганмиз.



*Ака-ука Сардор, Шухрат  
БОЛТАЕВЛАР,  
Хоразм вилояти,  
Шовот туманидаги  
28- мактаб  
ўқувчилари.*

## ҚИЗЛАРГА ВАЗИФА

Қизлар, ҳар бирингиз чиройли кийиниб, гўзал бўлишни хоҳлайсиз-а? Шундай экан,

расмдаги қизларни ўзингиз хоҳлаган рангда бўяб чиқинг-чи. Қайси бирингизники чиройли чиқиб, қизлар ҳуснини очиб юбораркин.

*Сизнинг «ТОНГ ЮЛДУЗИ» нгиз.*



ҲАДИС САБОҚЛАРИ

## ҚҮЛНИ -ҚҮЛГА БЕРАЙЛИК

Баъзи болалар мени кечирсину унча узоққа бормай баъзи маҳаллардаги ёки бўлмаса мактабдаги болаларни кўз олдимга келтирсам, улар орасида бир нарса талашиб гоҳо сўз тортишиб, тенгқур болалар «Сен билан нўм!» деб ойлаб, ҳатто бир-бирлари билан йиллаб гаплашмай, аразлашиб юрадиганларингиз бор. Эҳтимол улар «Ҳадис»дан ўқимаган балки катталар ҳам ўшандайларга айтмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўшандай аразчи болаларга «ҳадис»дан бир жумлани эслатиб ўтмоқчиман. Унда: - Бир- бирлари билан уришиб қолган мусулмонлар уч кун ичида ярашиб олмоқлари лозим. Уч кундан ортиқ ярашмаганлар эса мусулмон эмасдир, дейилган. Билиб-билмай бир-бири билан аразлашиб қолган болаларим, ҳали ҳам кеч эмас. Илгаригидек дўстлигингизни жойига қўйиб, кечиримли бўлинглар. Қўлни қўлга бериб, аҳил бўлиб яшашга не етсин.

*Саидмурод Саидахмад.*

БИЛАҒОН БОЛАЛАР  
ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва топағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса сезгир ва зукко билимлилар безар.

*Сизнинг «Тонг юлдузи» нгиз.*

## Диққат, танлов!

## “КЕЛАЖАК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ”

Ўзбекистон Оммавий Ахборот Воситаларини (ОАВ) демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси «Соғлом авлод йили» га бағишлаб мактаб ўқувчилари учун «Келажак қалдирғочлари» республика танловини эълон қилади.

Танловда ўрта мактабларнинг 9-синфгача билим олаётган ўқувчилари куйидаги йўналишлар бўйича иштирок этишлари мумкин.



1. Журналистика.
  2. Реферат. «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзусида
  3. Шеърят.
  4. Наср.
  5. Тасвирий санъат.
- Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар шу йил-

нинг 15 сентябрига қадар Ўзбекистон ОАВ ни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармасига топширилиши лозим.

Танлов голиблари телевизор, магнитофон, диктофон, фотоаппарат ва плеер билан тақдирланадилар. Булардан ташқари танловда энг фаол қатнашган ўқувчиларга ҳам сирли совғамиз бор. Ижодий ишлар «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида эълон қилинади.

Азиз ўқувчилар! Танловда иштирок этиб, омадларингизни синаб кўринг-чи, балки бу сизга аталган - сизнинг ижодий танловингиздир.

Манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30 уй, 2 қават 31,41 хоналар. Телефонлар: 144-69-65, 144-37-87, факс 120-66-52






## НИЯТ

Тенгдошим, тилагим гул каби кулиб,  
Бинафша лабидек хандон юрингиз.  
Бу фоний дунёда вафоли бўлиб,  
Доим сўзингизда қатъий турингиз.

Қиз бола хонадон фариштасидир,  
Бу номни оқлангиз синфдошларим.  
Йигитни оила суянчиғи дер,  
Фурурни сақлангиз синфдошларим.

Биз бирга ўқиймиз нурли масканда,  
Бахтли болаликнинг бахтига қониб,  
Вақт келар, мактабни аъло тугатиб,  
Яшаймиз, элим деб, юртим деб ёниб.

Гулзода БОЙМУРОДОВА,  
Каттақўрғон туманидаги  
61- мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



## ЎЗИНГДАН КЎР !

### ТАЛАБА «АФҒОН»НИНГ АЙТГАНЛАРИ

Ярим тунлар сапчиб-сапчиб уйкум қочар  
Кимдир қувар, кимдир отар, кимдир қочар,  
Кимдир қулай пистирмадан ўтлар очар,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Тор йўлакдан тизилишиб ўтган кезлар  
Ортга қолма, деб командир туртган кезлар,  
Эмаклашдан тирсақлар қон бўлган кезлар,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Бир кун даҳшат етар экан озиш учун,  
Бир сония басдир мангу тўзиш учун  
Парча қоғоз топилмас хат ёзиш учун  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Ўзи асли хат ёзишга қўл бормади  
Онаизор учун юрак мажбурлайди  
Хат ёзсанг гоҳ шаҳар томон йўл бормади,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Номардларни сўкканимиз ёдга тушар  
Сув деб кўзни тикканимиз ёдга тушар  
Топсақ ташна чўкканимиз ёдга тушар  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Болаликда яйраб копток тепган кунлар  
Ошхонадан қонганча сув топган кунлар  
Уволингиз урсин сувни сепган кунлар  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Бу қандайин кўрим кимнинг хатолари  
Тўрт томондан ингроқ оҳнинг нидолари  
Йиғлар тобут ясаб бериш усталари  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Темир тобут гоҳ ҳафтада йўлин бошлар  
Тириклар бор жангдан кейин ўлик чошлар,  
Ўлганларнинг кўпчилиги қаро қошлар  
Эсламасам эсланади у кунларим.

“Қизил Юлдуз” орденига зор эмасман,  
Фақат битта ноҳақликка бор эмасман,  
Кимлар уни тақди ҳатто жанг кўрмасдан,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Штаб деган жойда маҳкам ўтирганлар,  
Омонатдан ўз жонини чегирганлар,  
Турли тилдан ўрисчага ўгирганлар,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Хизмат вақти уларга ҳам икки йилдир,  
“Ўғлинг ўлди” - телеграмма икки йўлдир.

Аҳмад қолсин, Алексейга орден илдир,  
Эсламасам эсланади у кунларим.


Мен душманга боладим деб айтолмадим,  
Бобожоним сиздек голиб қайтолмадим.  
Бу тун яна оғриқларга чидолмадим,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

Уйку йўқдир ҳатто туннинг қаросида,  
Икки йиллик умр тоғлар даросида.  
Ҳаёл Ҳирот - Бухоронинг аросида,  
Эсламасам эсланади у кунларим.

### МЕН СИЗДАН...

Мирзолар - Мишага айланган йиллар,  
Сувонлар - Сашага айланган йиллар.  
Алишер - Аликка, Камол - Коляга,  
Муаттар - Машага айланган йиллар,  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

Гулчеҳра номини “Гуля” деганлар  
Зулхумор, Зумрадни “Зуля” деганлар.  
Ростмана исмини айтсанг ортингдан  
Маданиятсиз бўлмай ўл-е деганлар,  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.



Дилмурод ЖАББОР

Билакларга «любовь» ёзганлар билсин  
Шайтонга қўл бериб озганлар билсин.  
Лариса, Настянинг ишқида “ёниб”  
Кўкракка расмини чизганлар билсин  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

Бош бармоқлар усти ўйилган ҳарфлар,  
Тушга ботирилган игнадан зарблар,  
Рок музыкаси сеҳридан сархуш  
Кўриниш ажнабий, суҳбати ғарблар,  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

“Боря” ёзганлардан Бобур хафадир  
“Толя” ёзганлардан Темур хафадир,  
“Федя” ёзганлардан Фарҳод кўнгли ғаш  
Қолганидан яна кимдир хафадир  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

Бош бармоқ кучини Бобурдан сўранг,  
Навоий бободан, Темурдан сўранг,  
Улуғбекдан сўранг, боринг яқинроқ,  
Тарихини билган ҳар кимдан сўранг  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

Айтмоқ гали келди бир жумбоқни ҳам,  
Юз киши кутдик биз бир ўртоқни ҳам.  
Қоракўз жўралар ҳаром қилдингиз,  
Фармонбардор бўлган бош бармоқни ҳам,  
Мен сиздан ўкиниб яшайман.

### УСТОЗГА МЕҲР- ФАНГА МЕҲР

Жумбоқлар ечимини топар  
беғумон  
Истеъдод ёритса ақл йўлини...

Ушбу мисралар мактабимиз  
мадҳиясидан олинди. Мадҳияни  
мактабимиз директори Усмон ака  
Турмуҳаммедов ёзганлар. Устоз  
катта-ю кичик кўнглига йўл топа  
оладилар. Физика фанидан сабоқ  
берсалар-да, дарс соатларини  
адабиёт дарсидек интиқ кутамади.  
Оқибатда физика фанининг  
қийинчилиги, лаборатория  
ишининг мураккаблиги асло  
билинмайди.

Беҳзод УСМОНОВ,  
Бухоро вилояти, Гиждувон  
туманидаги 59- ихтисослашган  
мактабнинг 7-«А» синф ўқувчиси.



# Алишер Навоий дарсимиз меҳмони

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги гимназияда улуғ мутафаккир шоир, ғазал мулканинг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг 559 йиллик тўйлари муносабати билан назм кечаси бўлиб ўтди. Юқори синфлар иштирокида ўтган бу тадбирни ҳақиқий маънода билимлар намоиши десак хато бўлмайди. Нега дейсизми? Биз бундай тадбирларни ўтказишда аънанавий қолипга ўрганиб қолгандек: Навоий ва Ҳусайн Бойқаро тимсолларини саҳналаштириш, ғазаллар ўқиш ва Алишер Навоий ҳақидаги маърузалар ва ҳоказо. Бугун эса бу гимназияда бошқачароқ манзара. Дарсга қўнғироқ чалинди. Ҳаммининг кайфияти кўтаринки. Бугун бизнинг дарсимизда саҳна либосларида янаям улуғвор тус олган ўқувчи-

ларимиз Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Лутфий ва 11-12 ёшли Алишерлар кўринишида иштирок этишади. Ўқитувчи меҳмонлар ва ўқувчилар билан саломлашиб, Алишер Навоий ижоди бўйича тузилган тест саволларини ўқувчиларга тарқатади ва дарсни энди ўқувчилардан Комила Хўжаева ва Комил Шокирқориевлар давом эттиришади.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар асосида ўқувчилар гоҳ Алишернинг ёшлиги ва Лутфий ҳазратлари билан бўлган учрашув, бу учрашувда Лутфийнинг берган катта баҳоси саҳналарини, гоҳ ривоятлар асосидаги «Қаерда чивин йўқ?» инсценировкасидаги Навоий ва Ҳусайн Бойқаро кўринишида пайдо бўлиб, дарсга кўтаринкилик бера олишди.

*Эмас осон бу майдон ичра*

*турмоқ,*

*Низомий панжасида панжа*

*урмоқ...*

Гап нима ҳақида кетаётганини билган бўлсангиз керак. Навоий-

нинг «Ҳамса» сига кирган дostonлари ва ғазаллари асосида ўқувчилар баҳру байт айтишни бошлаб юбордилар. Бобур Нарзуллаев, Шаҳзода Усмонова, Гулноза Мирзааҳмедова, Акбар Ахбор Иброҳимов, Мурод Аҳмедов, Анвар Варисов, Манзура Саидазизовалар кўплаб байтлар билишларини намоён қилдилар.

Алишер Навоий ижоди кўплаб замонавий шоирларимизга илҳом манбаи бўлиб келмоқда. Ўқувчилар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳазрат Навоий ҳақидаги шеърларини ёдлашди.

*Жаҳонки муқаддас нени*

*кўрибди,*

*Барига онасан, эй қодир ҳаёт.*

*Беш юз йил наридан боқиб*

*турибди*

*Нурли бу юзларга нуроний*

*бир зот.*

Дарс сўнггида ўқувчилар тест саволларига берган жавобларини топширадилар. Навоий ижодида қўлланилган бадиий санъатлар бўйича беърилган саволларга Ко-

мила Хўжаева, Шаҳзода Усмонова, Хилола Розикова, Мурод Аҳмедовлар энг тўғри жавобларни беришган.

Кун бўйи гимназияда Навоий руҳи кезиб юрди. Деворий газета, ўқувчилар тайёрлаган рефератлар, 7-синфларда ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» баҳси ва конференция-дарслар гимназияда Навоий руҳи кезиб юрди. Деворий газета, ўқувчилар тайёрлаган рефератлар, 7-синфларда ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» баҳси ва конференция-дарслар Навоий ижоди борасидаги билимларни янада бойитди. Шу ҳафта ичида бу изланишлар Алишер Навоий номидаги Давлат музейига-Темурийлар Давлат музейига саёҳат кўринишида давом этади.

**Сайёра ҲАМИДОВА,**

*Гимназиянинг*

*11-«А» синф ўқувчиси*

## БОЛАЛАР, ГУГУРТ, ЁНҒИН...

Ҳа, бу муаммо ҳақиқатдан ҳам энг долзарб муаммога айланиб бормоқда. Чунки, ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида ёнғинлар сони тобора ортиб бормоқда. Сўзимнинг далили сифатида қуйидаги рақамларни келтирамиз:

Шу йилнинг ўтган даврида ва шу кунгача 103 га яқин ёнғин содир бўлган бўлса, болалар сабаб 20 дан ортиқ ёнғин бўлган ва моддий зарар 669043 сўмни ташкил этади. Ёнғ ачинарлиси ушбу ёнғинларда 6 киши ҳалок бўлиб, шулардан 2 таси ёш болалардир.

Бўлиб ўтган ёнғинлардан баъзи бирларини айтиб ўтмоқчиман:

18 февраль куни Чилонзор тумани, Камол Шарипов кўчаси 53 уйда ёнғин содир бўлган. Уй эгаси Қаюмов Рустам. Ёнғин оқибатида 80 кв. метр майдонда уйнинг томи, тахта панжараси ёнган. Ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб-электр симларининг қисқа туташуви.

18 февраль куни Собир Раҳимов тумани Парвариш кўчаси 8-уйда ҳам электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлган. Ёнғин оқибатида 80 кв. майдонда уйнинг шифт қопламаси том тахта панжараси ва уй жиҳозлари ёнган.

2000 йил 19 февраль куни Ҳамза тумани 2-тор кўча 9-уйда Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг «Куч ва воситаларни бошқариш марказига» соат 14 дан 38 дақиқа ўтганда ёнғин содир бўлганлиги ҳақида хабар тушди. Соат 14 дан 42 дақиқа ўтганда ўт ўчириш машиналари етиб бориб, соат 15 дан 17 дақиқа ўтганда ёнғин ўчирилди. Хонадон эгаси Атабаев Мурод Эркинвич. Ёнғин оқибатида 120 кв. метр майдонда 3 та хона уй жиҳозлари ва

уйнинг том панжараси ёнган. Ёнғ ачинарлиси ёнғинни ўчириш вақтида 1995 йилда туғилган Отабоев Фарҳод Муродович ва 1997 йилда туғилган Отабоева Га

вҳар Муродовнинг жасадлари топилган. Бу болажонлар ёнғин ичида қолиб кетишган. Уй бекаси Алиева Гузалнинг икки қўлининг кафти ва юз қисми 5 фоиз куйган. Ёнғинни келиб чиқишига сабаб-уй бекаси қозонда ёғ қиздирганда ёнғин ҳавфсизлик қондасига риоя қилмаган, қиздириётган ёғ назоратсиз қолдирилган.

Баъзида ёш болалар катталарга тақлид қилиб, ўзлари учун «қизиқ» воқеаларнинг шохиди бўлгилари келади. Кўпчилик ҳолларда шу «қизиқ» воқеа қурбонлари бўлишлари энг ачинарли ҳолдир. Хўш ким айбдор? Албатта катталар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, болалар қўлига гугурт қаердан келиб тушади? Албатта, сиз ва бизларнинг бепарволигимиз ва лоқайдлигимиздандир.

Азиз болажонлар! Яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман: укажонларингизни гугурт билан ўйнашларига йўл қўйманг. Ёнғин нима эканлигини тушунтиринг. Унутманг-ки, ҳар бир ёнғин-йўқотишдир. Йиллаб йиққан мол-мулкнингиз санокли дақиқаларда ёниб кул бўлади. Ёнғ ачинарлиси ёнғинларда инсонлар ҳам ҳалок бўлишлари мумкин.

**Феруза Сағдуллаева,**

*Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими, ички хизмат лейтенанти.*



### ЮРТИМ МЕНИНГ

*Ўзбекистон, юртим менинг  
Бунча бағринг кенг экан.  
Аждодларинг авлодларинг  
Шоҳ гадога тенг экан.*

*Юртбошига содиқ элнинг  
Орзулари кўп экан.  
Она юртим истиқболнинг,  
Мавзулари кўп сенинг*

*Баланд-баланд учаверсин  
Хумо қушинг кўкларда.  
Янги-янги зафарларни  
Кучаверсин кўкларда.*

*Юртбошимиз орзу қилган  
Юртда ўйнаб кулайлик  
Бизга ҳамроҳ янги йилда  
Соғлом авлод бўлайлик.*

**Камола РАҲМОНОВА,**  
*Жиззах вилояти, Жиззах  
тумани, Пулат Собиров  
номли 11- мактабнинг  
8-«А» синф ўқувчиси.*

### ОНА

Қалбида меҳри бор, қалбида  
меҳри,  
Фарзандини ўйлаб суради хаёл  
Кўнглида сеҳри бор,  
кўнглида сеҳри,  
Билур: гар ўглига етилса  
завол.

Қалбидаги меҳри ҳеч ҳам  
сўнмагай  
Доимо гуриллар машғала,  
Кўксига босса ҳам кўнгли  
тўлмагай,  
Қизчасиз ажратмас бағридан  
зинҳор.

Албатта фарзандга меҳрли  
она  
Вақтида ўз бурчин оқласин  
фарзанд  
Онадир ҳаётда якка-ягона,  
Шундай бўлиб келган,  
бўлсин тоабад.

### БОЛАЖОН

Дунё сеники, болажон,  
Само сеники, болажон,  
Бахт куши дея аталган,  
Хумо сеники, болажон.  
Бу дунё сеники бари,  
Одимла келажак сари.  
«Тупроқ олсанг олтин  
бўлсин»  
Дуо қилар ёшу-қари.  
Қадрига ет ҳар бир онинг,  
Фозили бўл ўз замонинг,  
Дунёни кез, лек болажон,  
Унутма она маконинг.

**Латофат НАЗАРОВА,**  
*Тошкент вилояти, Бўка  
тумани, 1 мактабнинг  
8-синф ўқувчиси.*



## “СОСИСКА” ИЖОДКОРИ

Болалар сиз эрталабки нонуштада тановул қиладиган “сосиска”ни ким яратганини биласизми? Бўлмаса билиб олинг.

Франкфуртлик Пауль Шульц исмли қассоб иш излаб Германияга бориб қолади ва Чикаго шаҳридаги катта қушхонада бўш жой бор, деган эълонни ўқиб қолади. Ниҳоят Пауль шу ишхонага жойлашади. Ойлик билан кун кўриш қийинроқ туюлиб, у ҳар куни ишдан қайтишда оз миқдорда аччиқ ичаклар олиб кела бошлайди. Ижарада турган кулбасида қорин тўйдириш мақсадида бу ичакларни гоҳ қайнатиб, гоҳ қовуриб еб юради. Кундан-кун маҳорати ошиб энди аччиқ ичакларни тозалаб, ичига қийма, зираворлар, кўкатлар кўшиб ҳам тайёрлаб кўради.



Кейинчалик ичакларга саримсоқ, қалампирмунчоқ, янчилган пиёз кўшиб, хасип қилади. Тайёр ма-саллиқни бугда пиширса, бинойидек таом пайдо бўлади. Уни мол, чўчка, кўй гўштларидан ҳам қилиб кўради. Энг мазалиси- сутли “сосиска”дир. Сутли “сосиска” сут эмадиган жониворнинг ичагидан тайёрланади. П.Шульц бу фаройиб кашфиётни сир сақламади. Орадан кунлар ўтиб, унинг ризқини бошқалар тортиб олишди. Сан-

Франциско, Вашингтон, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда “сосискахона”лар очилиб, эгалари бениҳоя бойиб кетишди. П. Шульцни қушхонадан ишдан олишгандан кейин унинг бахтсиз кунлари бошланди. У ўзи яратган ижоди намунасида ҳам айрилди. Иш излаб бир неча “сосискахона”ларга борди. Аммо уни турли баҳоналар билан ишга қабул қилишмади. Ўз бахти учун ўзи кураша олмаган Шульц қийинчиликда, хорликда ўлиб кетди. Шунинг айтсалар керакда, яшашни ҳам билиш керак, деб. Ҳа майли, биз учун барибир “сосиска” ижодкори П.Шульц бўлиб қолади.


Маъмура МАДРАҲИМОВА  
тайёрлади.



Соат мили йўналишида: 1. Турли рангда товланадиган ёй. 3. Эшитса, болалар ухлаб қоладиган кўшиқ. 4. «Жонли» арқон. 5. Икки япроқ бир танда, кезар ёнда, чаманда. 7. Баҳорнинг илк ойи. 9. Қандолатчилик маҳсулоти. 10. Қизил рангда тугунча, ичи тўла кулчача. 13. Нарса ва буюмларнинг сотилишини тезлаштирадиган ташвиқот. 15. Мансаб, лавозим. 20. XIX асрда хон ва подшоҳлар турадиган қаср. 25. Ечиб кўйсанг туради, боғлаб кўйсанг юради. 27. Подшоҳларнинг «ишхонаси».

Соат милига тескари: 2. Тагини кўтарсанг, «сарик олтин» бор. 6. Пилла қурти берадиган маҳсулот. 8. Нарсанинг баҳоси. 11. Ҳайвонлар тўдаси. 12. Онамнинг опаси (жиянга нисбатан) 14. Учишни орзу қилган киши. 16. Мамлакатимиздаги денгиз. 17. Кучли ёмғир. 18. «Алача чопон»ли йиртқич ҳайвон. 19. Одамлар яшайдиган жой, қишлоқ. 21. Чизилган чизигидан чиқмайдиган транспорт воситаси. 22. Саноқ сон. 23. Бир томони иккига айрилган хода. 24. Балиқнинг тухуми. 26. Хушбўй суяқлик. 28. Қишлоқ боласи.

Тузувчи: Шерзод ЗОИРОВ,  
Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.



Shahar bojasi ovulda  
bo'lib, ko'rganlarini og'aynilariga  
so'zlab beribdi:  
-Buvim menga har kuni uog'li sut  
ichirdi. Shunaqa mazaliki, tilingni  
yutasan.

-Ular sutni qaysi do'kondan  
olarkinlar?

-Sutni do'kondan  
olmaydilar, echkidan oladilar.

\*\*\*

Bir bola kitob o'qib  
turib, hisobchi otasiga debdi: -Dada,  
«Revizor» asari komediyami yoki  
fojeami?

-Bolam, agar revizor o'zimizniki  
bo'lsa komediya, begona bo'lsa, unda  
fojea.

\*\*\*

Bir yosh bola dadasidan  
so'rabdi: -«Dada, pul nima?»  
Otasi orzularga berilganicha debdi:  
-Pul, o'g'lim, -bu  
mashina, kon'yak, chiroyli ayollar...  
-Agar pul bo'lmasa-chi?  
-Unda choy, tramvay va seni sevimli  
oying.

BAHRIDDIN TURG'UNOV  
tayyorladi.

## МЕН НИМА ДЕЙМАН...



Газетамизнинг шу йил 27 январь сонида «Ўз аравангни ўзинг торт» сарлавҳали мақолага Денов туман, халқ таълими бўлим мудири М. Сафиевдан жавоб хати олдик. Жавобда айтилишича, ҳақиқатдан ҳам 72-мактаб биниси яхши исимаслиги, спорт зали йўқлиги айтилган. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига спорт зали

қуриб бериш ҳақида мурожаат қилинганмиш. Мактаб биноси қачон яхши исийди, қачон спорт зали қурилади? Бу ҳақда жавоб хатида айтилмаган...

Хуллас, 72-мактаб жамоаси-қишда синфхонада қўлқоп билан ўтиради. Жисмоний тарбия дарсларини эса очик ҳавода ўтказишига тўғри келади, шекилли. Бу қачонгача-номаълум...

Ўзбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир  
“Ijod dunyosi”  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусада босилди. Ҳажми  
2 босма табоқ.  
Буюртма - К-7723  
Газетани PENTIUM-II  
тпх компютерида  
Абдухамид  
АБДУҒАФФОРОВ  
саҳифалади.  
Навбатчи:  
Феруза ОДИЛОВА

Руйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34